*Савоб ишни ҳар кун қилиш керак*

# ГАП ЭЪТИБОРДА

— Меҳр-мурувват одамларни бир-бирига яқинлаштиради, дардларини енгиллатади, давлатимизга, унинг жойлардаги бошқарув органларига бўлган ишончини оширади, — дейди биз билан суҳбатда Зангиота туманидаги «Бўзсув» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Туроб Ваҳобов. — Шу боис фуқаролар йиғинидаги барча маҳаллаларда фаоллар, ёшу кексалар билан учрашувлар ўтказиб, мамлакатимизда олиб борилаётган тинчликсевар сиёсатнинг мағзини, давлатимиз келажаги, фаровонлиги бевосита ўзимизга боғлиқ эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Фуқаролар йиғини ҳудудида паррандачиликка ихтисослашган 2 та жамоа хўжалиги, 2 та акциядорлик жамияти, 2 та ёрдамчи хўжалик мавжуд. Ана шу корхоналарнинг ҳар бири ўз имкониятларидан келиб чиқиб аҳолининг эҳтиёжманд қисмига мададкор бўлаяптилар. Масалан, «Бўзсув» жамоа хўжалиги 1 тонна картошка, шунча пиёз, 20 қоп гуруч, 200 кг. гўшт тарқатиб чиқди. Кўп болали оилалар фарзандларига «Янги йил арчаси» ўтказилаётган театрлаштирилган байрамга 200 та таклифнома, 650 та совға олиб берди. Ёрдамга муҳтож 20 фуқарога 3 минг сўмдан пул улашди.

— Албатта, меҳр-мурувват пул билан ўлчанмайди. Гап эътиборда, — дейди «Деҳқонобод» маҳалласи раиси Қўчқор Ҳамроалиев. — Буни йўлбошчимиз қайта-қайта таъкидлаб айтадилар. Маҳалламизда 2 та кичик ташкилот бор. Улар ҳам ушбу савобли тадбирдан четда қолгани йўқ. Имкон даражасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, совға-саломлар тарқатиб, одамлар кўнглини олишди.

Хайрли ташаббус қишлоқ фермерлари, тадбиркорларни ҳам четлаб ўтмади. Бошланғич синфлар ўқувчилари фермер боболари томонидан уюштирилган 1800 та «Қорбобо совғаси»ни олганларида қанчалик хурсанд бўлганларини тасаввур этиш қийин эмас.

Ҳа, меҳр-мурувват тадбирлари учун қишлоқда жами 2 миллион сўм харажат қилинди. Давлатимиз томонидан кўрсатилган бу эътибордан юзлаб одамларнинг боши кўкка етди.

**Темур АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# КЎНГЛИМИЗ ТОҒДАЙ КЎТАРИЛДИ

Олтин олма, дуо ол, дейди халқимиз. Юртбошимиз бизга ўхшаш кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кам таъминланган оиладагиларнинг бошини силаб, кўп улуғ, савоб иш қилмоқдалар. Бу зотнинг бағрикенглигини, мурувватларини қарангки, юртимизда «Меҳр-мурувват ўн кунлиги» ўтказилди. Умридан барака топсин. Дунё тургунча турсин.

Мен шу корхонада ишлаб нафақага чиққанман. Заводдагилар биздан тез-тез хабар олиб туради. Қандай ишимиз бўлса қўлларидан келган ёрдамни аямайди. Бундан ташқари ўнлаб ночор оилалар ҳам ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Мурувват кунларида бу ерда меҳнат қилаётган 830 кишининг ҳар бирига икки килограммдан бепул гўшт тарқатилди. Бундан ташқари корхона атрофида яшовчи фахрийлар, ногиронлар учун дастурхон ёзилди. Ийд-рамазон байрами муносабати билан ҳар биримизга ҳайитлик улашилди.

Биз мурувватли, меҳр-оқибатли халқмиз. Иссиқ-совуқ кунларда ҳамиша бир-биримизни қўллаб-қувватлаб келганмиз. Мурувват кунларидаги саховатлар, беминнат ёрдамлар кўнглимизни тоғдай кўтарди. Руҳимизни тетик қилди.

**Абдурасул ХОЛМАТОВ,**
**«Асакаёғ» ҳиссадорлик жамиятининг собиқ ишчиси, нафақахўр.**

Республикамизда ўтказилган «Мурувват ўн кунлиги» тадбирлари ниҳоясига етди. Шу муносабат билан республика Ижтимоий таъминот вазирлигининг ижтимоий ёрдамни шакллантириш бош бошқармаси бошлиғи А. Иноқов мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

# 280 МИЛЛИОННИ ТАШКИЛ ЭТДИ

— Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш кеча ёки бугун бошланган иш эмас. Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ аҳолининг кам таъминланган қатламлари, жумладан, қария ва ногиронлар давлатимиз томонидан ижтимоий ҳимояга олинди. Вазирлик тизимида ижтимоий ҳимоя ишлари, асосан, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга қаратилган. Шу тоифадаги кишиларга ҳар йили муттасил моддий ёрдам бериб келинмоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, уларнинг сони 50 мингдан ортиқ. Ўн кунлик давомида вазирлик белгиланган тадбирлар бўйича туман ва шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан рўйхатга олинган ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ҳомийлар кўмагида 280 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, қўлтиқтаёқ, ҳасса ва ногиронлар аравачалари етказиб берилди. Унинг 70 миллион сўми ҳомий ташкилотлар, хусусан АҚШнинг «Каунтерпарт интернэшнл» корпорацияси томонидан амалга оширилди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Ватан ҳимоячилари куни олдидан*



# АҲДИГА СОДИҚ ЎҒЛОНЛАР



***Ҳарбийга чақирилган ҳар бир ўғлон бир ярим йиллик конституциявий бурчининг дастлабки ойида Ватанига, Президентига ҳар доим содиқ бўлишга қасамёд қилади, йигитлик сўзини беради. Шундай ҳаяжонли лаҳзаларда халқи олдида онт ичаётган ўғилнинг ота-онаси эса Ватан ҳимоячисини тарбиялаб вояга етказганидан қалбида чексиз фахр туяди.***

***14 январ куни нишонланажак Ватан ҳимоячилари куни ана шу жиҳатлари билан бошқа байрамларимиздан ажралиб туради. Бу кун нафақат ҳарбийлар, балки барчамизнинг байрамимиз. Зеро, ҳаммамиз ҳам шу азаз юртнинг ҳимоячиси, посбонимиз.***

***Сиз ушбу суратларда мустақил Ватанимиз армиясида хизмат қилаётган аҳдига содиқ аскар укаларимизнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан чиниқишининг гувоҳи бўлиб турибсиз.***

**А. РИСҚИЕВ ва В. ПОРТНОВ олган суратлар.**


"VIEV VA KOMM"

ҚЎРИҚЛАШ ВА ВИДЕОКУЗАТУВНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ТИЗИМЛАРИ

ҚУЙИДАГИЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ:

- видеокузатув, ёнғиндан муҳофаза, қўриқлаш сигнализацияси, келиб-кетишни бошқариш тизимлари, шунингдек, фуқаролик диапазони (27 МГц) даги радиостанциялар учун жиҳоз ва анжомлар етказиб бериш;
- жиҳозлар ўрнатиш, созлаш;
- кафолатли хизмат ва кафолат муддати тугаши билан хизмат кўрсатиш.

**Юқори малакали мутахассисларнинг маслаҳатлари.**



Ҳар қандай шароитда ечим топилади.
Сизнинг хавфсизлигингиз ўз қўлингизда!

2351

Тел.: 78-54-70, 78-41-07. Факс: (3712) 78-05-03.
Манзил: Тошкент ш., «Қатортол» к.,38, 310, ЎзГИИТИ институти.



ABN·AMRO

Мустақил Ўзбекистонда рақобатбардош банк тизимининг ривожланиши йўлида амалий қадамлар қўйилмоқда. Ҳукумат қарори билан банклар тизимидаги бир неча банкда ҳисоб рақами очиш ҳуқуқи каби муҳим тадбир қўллаб-қувватланди. 1999 йилнинг 1 декабридан бошлаб камида 200 нафар ходими бўлган корхоналар бу имкониятдан фойдаланишлари ва ўзлари учун иккинчи ҳисоб рақами очишга қайси банк қулай эканлигини аниқлаб олишлари мумкин.

Аминмизки, АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон АЖ худди шундай қулай банкдир. Энг бообрў «Euromoney» молия журнали томонидан АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон АЖ 1999 йилда Ўзбекистондаги энг яхши банк сифатида тан олинган.

**АБН АМРО Банк МБ ЎЗБЕКИСТОН А.Ж. —**

*жамғармалар ҳақидаги ахборот сир тутилиши, сифатли, ишончли хизмат кўрсатиш кафолатини беради.*

*МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА СИЗНИ ҲАМ КЎРИШДАН МАМНУНМИЗ ВА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ УМИДИДАМИЗ!*

*Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, Ғарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-подъезд.*
*Телефон: 120-61-41.*

2294


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 11 январдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 92,07 |
| 1 Австрия шиллинги | 10,56 |
| 1 Англия фунтстерлинги | 232,04 |
| 10 Бельгия франки | 36,01 |
| 1 Голландия гульдени | 65,91 |
| 10 Греция драхмаси | 4,40 |
| 1 Дания кронаси | 19,53 |
| 1 БАА дирхами | 38,37 |
| 1 АҚШ доллари | 140,93 |
| 1 Миср фунти | 41,15 |
| 10 Испания песети | 8,73 |
| 100 Италия лираси | 7,50 |
| 1 Канада доллари | 96,57 |
| 1 Хитой юани | 17,02 |
| 10 Люксембург франки | 36,01 |
| 1 Малайзия ринггити | 37,09 |
| 1 Германия маркаси | 74,27 |
| 1 Польша злотийси | 34,53 |
| 1 СДР | 194,54 |
| 1000 Туркия лираси | 0,26 |
| 1 Финляндия маркаси | 24,43 |
| 1 Франция франки | 22,14 |
| 1 Швейцария франки | 90,51 |
| 1 ЕВРО | 145,26 |
| 10 Жанубий Корея вони | 1,24 |
| 10 Япония иенаси | 13,41 |
| 1 Россия рубли | 5,18 |
| 1 Украина гривнаси | 27,00 |

*( Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*


Реклама ва эълонлар 136-09-25



ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР !

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, 4-трест АЖ, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг капитал қурилиш Бош бошқармаси Меҳнат вазирлиги касб коллежи қурилишига хомашё ва жиҳозлар келтириш учун ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Мурожаат учун телефон: 45-48-60, 45-58-46.
Манзил: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 16«А» уй.

Ш@2320(в)


«Ўзулгуржибиржасавдо» республика акционерлик уюшмаси раҳбарияти ва жамоаси ушбу уюшма раисининг ўринбосари Ф. Юсуповга отаси
**Миродил ҳожи ЮСУПОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбек ипаги» уюшмаси жамоаси Намангандаги «Атлас» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Маҳамаджон Каримовга падари бузруквори
**АБДУКАРИМ ҳожи отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси ва тингловчилари тингловчи Ғайбулло Исомиддиновга волидаи муҳтарамалари
**ҚУМРИНИСО аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 017. 25163 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Мадатов.
Навбатчи — О. Ражабов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 21.30* 1 2 3 4 5 6